

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.T.78.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЙТОВА ШАХЛО КОМИЛОВНА

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР ВА САНОАТ ЧИҚИНДИЛАРИ
АСОСИДА РАҚОБАТБАРДОШ ЎРАМА МАТЕРИАЛЛАР ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз- 2020

УДК 69.02415.665.45.620.169.1(08374)

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Аитова Шахло Камилловна

Маҳаллий хомашёлар ва саноат чиқиндилари асосида рақобатбардош
ўрама материаллар олиш технологияси3

Аитова Шахло Камилловна

Технология получения конкурентоспособных рулонных материалов
на основе местного сырья и промышленных отходов.....21

Aitova Shaxlo Kamilovna

Technology of production of competitive roll materials based on local
raw materials and industrial waste.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.T.78.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЙТОВА ШАХЛО КОМИЛОВНА

МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР ВА САНОАТ ЧИҚИНДИЛАРИ
АСОСИДА РАҚОБАТБАРДОШ ЎРАМА МАТЕРИАЛЛАР ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Термиз - 2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/T559 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Урганч давлат университетиде бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (termizdu@umail.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жуманиязов Махсуд Жаббиевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Султонов Баходир Элбекович
техника фанлари доктори
Адинаев Хидир Абдуллаевич
техника фанлари номзоди, доцент


Етакчи ташкилот:

Навоний давлат кончилиқ институти

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.T.78.01 рақамли Илмий кенгашнинг «11» 09 2020 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz).

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№ 19 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz

Диссертация автореферати 2020 йил « 4 » 09 куни тарқатилди.
(2020 йил « 4 » 09 даги 4 рақамли реестр баённомаси).



И.А. Умбаров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., доц.

Ш.А. Касимов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, к.ф.ф.д.

Ф.Б. Эшқурбонов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, к.ф.д., доц.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунё қурилиш саноатида картон қоғоз асосидаги битумли ўрама изоляцион материаллар (рубероид, толь, пергамин, изол ва бошқалар) ишлатилиб келинмоқда. Шулардан рубероид – энг кўп ишлатиладиган универсал материал ҳисобланиб, дунё бўйича ишлатиб келинаётган ўрама изоляцион материалларнинг 70 % дан ортиғини ташкил қилади. Рубероид барча турдаги гидроизоляция ишларда, жумладан, пойдеворни изоляция қилишда, том ёпишда, ертўлалар ва бассейнлар қуришда қўлланилади. Шунга кўра, маҳаллий хомашёлар ва саноат чиқиндилари асосида физик-кимёвий ва технологик хоссалари яхшиланган ноанъанавий ўрама изоляцион материаллар олишнинг технологиясини яратиш ва амалиётга тадбиқ қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Жаҳонда ўрама материаллар ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ноанъанавий хомашёларнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш ва ноорганик маҳаллий хомашёлар таъсирида мастиканинг физик-механик хоссаларини яхшилашга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларига эътибор қаратилмоқда. Ўрама материаллар олишда мастиканинг қовушқоқлиги, пластиклиги ва мустаҳкамлигини ошириш, шунингдек, изоляцион материалнинг узоқ муддатли хизматини таъминлаш учун маҳаллий хомашёлар бўлган металл оксидлари, оҳак, тальк, базальт каби ноорганик моддаларни қўллаш долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда кимё саноатида янги турдаги материаллар ишлаб чиқариш йўналишида маълум натижаларга эришилди, жумладан маҳаллий бозорни импорт ўрнини босувчи кимёвий реагентлар билан таъминлаш соҳасида кенг қўламли тадбирлар амалга оширилди. Таъкидлаш жоизки, Республикаимизда, инновацион технологияларни тадбиқ этиш орқали саноат объектларини юритишнинг илмий асосланган тизими ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг чора-тадбирларини амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «Маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида, юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, сифат жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзгартиришга» қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада республикаимизда рақобатбардош изоляцион ўрама материаллар яратиш, уларнинг ҳажми ва турларини кенгайтириш, таннархини камайтиришда маҳаллий ресурслар ва саноат чиқиндилари, жумладан, ёғ-мой корхоналари чиқиндиси бўлган госсипол смоласи асосида мастика, резина катрони, тальк, базальт тола ва бошқа хомашёлар асосида ўрама материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ҳамда 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 3 апрелдеги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестицион жозибadorлигини ошириш» тўғрисидаги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. “Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот мавзусига доир илмий-техникавий адабиётлар маълумотлари таҳлили натижалари кўрсатишича, ўрама изоляцион материаллар олиш бўйича тизимли тадқиқотлар олиб борилган.

Дунё бўйича ўрама материаллар соҳасининг ривожланишига В.А.Воробева, Б.С. Горшкова, В.М. Ильинский, Н.В. Михайлова, И.А. Рыбьев, И.М. Руденский, П.С. Сахарова, М.С. Туполев, Н.В. Трубникова, Э.И. Кричевской, И.В. Провинтеева, С.К. Носкова, И.А. Никифорова, О.Б. Розен, Д.Д. Сурмели, А.Г. Зайцева, М.И. Поваляева, А.М. Воронина, В.В. Иванов ва бошқаларнинг қатор илмий изланишлари билан қўшаётган ҳиссалари катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистонда бир гуруҳ олимлар К.С. Негматова, С.А. Бердиев, А.А. Қадиров, Н.Т. Шарипов, А.С.Махмудов, М.Ж. Жуманиязов, Ш.Р. Курамбаев, ва Х.И.Акбаров госсипол смоласи асосида кўп функцияли композицион материалларнинг илмий асосларини яратганлар. Янги авлод полимерсимон битум-резинали қопламалар олишнинг технологиясини яратиш борасида илмий тадқиқотлари олиб борганлар.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, юқоридаги олимлар томонидан ёғ-мой чиқиндиси-госсипол смоласи ва маҳаллий ресурслар асосида импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош ҳамда самараси юқори, хизмат муддати узок бўлган ўрама материаллар олинмаган ва ҳозирги кунгача кенг ишлаб чиқариш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Урганч давлат университетети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИОТ-2014-7-20-сонли «Физик, кимёвий ва технологик параметрлари такомиллаштирилган ўрама изоляцион материаллар олиш технологиясини амалиётга жорий этиш» (2014-2015) мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий ноорганик ресурслар ва ёғ-мой чиқиндилари асосида импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош ўрама материаллар олишнинг технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўрама материаллар олишга яроқли мастика олиш учун госсипол смоласини ҳаво кислороди ёрдамида оксидлашни жадаллаштиришга FeO катализаторининг таъсирини аниқлаш;

ўрама изоляцион материалларнинг узок муддатли хизматини таъминлаш учун ноорганик маҳаллий хомашёлар - кальций оксиди, тальк, базальт толаси ёрдамида мастиканинг физик-механик хоссаларини стандарт талабларга олиб келиш;

модел ускуна йиғиш ва унда технологик тадқиқотлар олиб бориш, ташкил этувчи моддалар нисбатлари, миқдорлари, реакциялар кетма - кетлиги ва ҳарорат каби катталикларни ушбу ускунада синаш ва мақбул технологик параметрларни аниқлаш;

янги турдаги ўрама материалларни олишнинг принципиал технологик тизимини ишлаб чиқиш ва уни илмий асослаш, олинган маҳсулотларнинг физик-механик хоссаларини ўрганиш, тажриба намуналарини амалиётда синаш;

ўрама материаллар олишга яроқли мастиканинг техник шартларини ишлаб чиқиш ва синов маҳсулотларини ишлаб чиқариш.

Тадқиқотнинг объекти маҳаллий ресурслар - кальций оксиди, тальк, базальт толалари, резина қатрони, иккиламчи полиэтилен ва ёғ-мой комбинатлари чиқиндиси - госсипол смоласи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети маҳаллий ресурслар ва саноат чиқиндиларини госсипол смоласига таъсирлаштириб янги турдаги мастикани яратиш ва ундан физик-механик хоссалари стандарт талабларга мос келувчи, самараси юқори бўлган ўрама изоляцион материаллар олишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда кимёвий ва замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари: ИҚ спектроскопик ва дифференциал термик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор кальций оксид, тальк, базальт толалари ва госсипол смоласи асосида термик барқарор ўрама материал олиш учун мастика таркиби ишлаб чиқилган;

олинган мастика хоссаларига кальций оксид, тальк, базальт толалари ва резина қатронининг кимёвий таъсирлари ва композиция ҳосил қилишнинг мақбул шароитлари аниқланган;

ишлаб чиқилган мастиканинг 25 °C да игна ботиш чуқурлиги 45-62 мм, чўзилувчанлик 39 мм, юмшаш ҳарорати 55-58 °C ни, чакнаш ҳарорати 315 °C ни ташкил этиши аниқланган ва олинган ўрама материалнинг ёнғинга бардошлиги аниқланган;

210-250°C ҳароратда 5% тальк тутган массага 5% резина қатрони қўшиб олинган мастиканинг сув шимувчанлиги 0,1% гача кескин камайиши натижасида самарадорлик 10 мартагача ортиши исботланган;

илк бор мастика матричасига узунлиги 15-20 мм базальт толалар киритилиши орқали таркибида госсипол смоласи асосидаги мастика - 77,0%; кальций оксид-5,0%; 0,1 мм резина қатрони - 5,0%; базальт толаси- 3,0%;

иккиламчи полиэтилен- 5,0%; тальк - 5,0%. бўлган юқори даражада эластик ўрама материаллар олинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий ноорганик ресурслар ва госсипол смоласи асосида жаҳон стандартларига мос келувчи ўрама материалларнинг янги турлари яратилган;

ўрама материаллар ишлаб чиқаришнинг оптимал шароитлари ва принципиал технологик тизими ишлаб чиқилган;

маҳаллий хомашёлар ва ёғ-мой саноати чиқиндиси бўлган госсипол смоласи асосидаги мастикадан «Госизол» номли ўрама материал олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги: тадқиқотнинг хулосалари ва тавсияларнинг асосланганлиги, олинган моддаларни идентификациялашда замонавий, юқори инфорацион физик-кимёвий усуллари (ИК спектроскопик ва дифференциал термик таҳлил усуллари) ва кимёвий тадқиқотлардан фойдаланилганлиги ва ишлаб чиқилган ўрама материаллар олиш технологияси, унинг қўлланиши тажриба-саноат синовларида апробация қилинган ҳамда ишлаб чиқаришга қўлланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти 210-250 °С ҳароратда госсипол смоласи асосидаги мастикага кальций оксид, резина қатрони, тальк, базальт толаларини мақбул нисбатларда қўшиш натижасида ёнғинга бардошли, сув шимувчанлиги жуда кам бўлган ва эластик ўрама материаллар олиш технологияси таклиф қилингани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қурилиш саноатида минерал тўлдирувчилар қўшиш йўли билан хоссалари яхшиланган ўрама материаллар олиш, уларнинг эксплуатацион хусусиятларини яхшилаш, хизмат муддатини ошириш, стандарт талабларга тўла жавоб берувчи, импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош ўрама материаллар олишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Минерал қўшимчалар ва госсипол смоласи асосидаги мастикадан ўрама материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кальций оксид, тальк, базальт толалари ва госсипол смоласи асосида ўрама материаллар олиш технологияси «TASH IZOL» МЧЖ да амалиётга жорий қилинган («Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг 2020 йил 30 июндаги 05/15-2146-сонли маълумотномаси). Натижада физик-механик хоссалари яхшиланган, ёнғинга бардошли, мустаҳкам, эластик ўрама материал олиш имконини берган;

маҳаллий хомашёлар ва ёғ-мой саноати чиқиндиси бўлган госсипол смоласи асосидаги мастикадан «Госизол» номли ўрама материал олиш технологияси «TASH IZOL» МЧЖ нинг амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхатига киритилган («Ўзсаноатқурилиш-материаллари» уюшмасининг 2020 йил 30 июндаги 05/15-2146-сонли маълумотномаси). Натижада хизмат муддатлари юқори, турли иқлим шароитларига чидамли, арзон ўрама материаллар олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан 6 таси республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 97 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг амалиётга жорий этилиши баён қилинган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Рақобатбардош ўрама материаллар олишдаги сўнгги илмий маълумотлар**» деб номланган биринчи бобида дунё олимларининг ўрама материаллар олиш борасидаги сўнгги илмий ишланмалари, уларнинг ютуқ ва камчиликлари батафсил ёритилган. Уларнинг таснифи, физик-механик хоссаларидаги ўзига хослиги баён қилинган. Адабиётлар шарҳида жаҳонда олиб борилаётган тадқиқотлар мажмуаси батафсил ва чуқур танқидий таҳлил қилинган ҳолда, мазкур ишнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг «**Госсипол смоласидан ўрама материаллар олишга яроқли мастика олиш технологияси**» деб номланган иккинчи бобида госсипол смоласи асосидаги мастикадан рақобатбардош ўрама материал олиш борасидаги ўтказилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Ўрама изоляцион материалларга бўлган талаб йилдан-йилга ошиб бораётганини эътиборга олсак, бу маҳсулотларнинг ҳозирги кундаги мамлакатимизда ишлаб чиқариш миқдори ва сифати қониқарли аҳволда эмаслиги яққол намоён бўлади. Шунинг учун ҳам унинг ўрнини боса оладиган, маҳаллий хомашёлар ёки чиқиндилар асосида олиш имкони мавжуд бўлган янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар яратиш бугунги куннинг талабидир. Ўрама материалнинг эксплуатацион хоссалари стандарт талабларга жавоб берадиган, таннархи арзон янги авлодини яратишда, асосий хомашё сифатида осон топилувчи, саноат чиқиндиси бўлган госсипол смоласи асосидаги мастика танланди. Дастлабки тадқиқотларимизни

госсипол смоласини ҳаво кислородида термик оксидлаб, ўрама материаллар олишга яроқли мастикаларнинг дастлабки турларини олишга бағишладик.

Биз таклиф қилинаётган мастика олиш технологияси аввалгиларидан фарқ қилиб, госсипол смоласини юқори ҳароратда оксидлашга асосланган. Маълумки, госсипол смоласи юқори ҳароратда чин эритма ҳолида бўлади. Унинг таркибида фенол, гидроксил, карбонил, карбоксил гуруҳлари тутган бирикмалар мавжуд. У ҳаво кислороди таъсирида оксидланса, дисперс система ҳосил бўлиши тажриба тадқиқотларга кўра аниқланди. Бизнинг назаримизда дисперс фаза госсипол смоласини ҳаво кислороди ёрдамида термик ишланганда унинг таркибида кутбלי кислород сақловчи моддалар миқдорининг ошиши оқибатида ва янгидан гетероатом бирикмалар ҳосил бўлиши ҳисобига шаклланади, яъни биринчи навбатда карбонил гуруҳлар оксидланади, карбоксил гуруҳлар фаоллиги ошади, термооксидланиш натижасида деструкция жараёни бошланади, фенол ва гидроксил гуруҳлар орасида карбоксил гуруҳлар таъсирлашиб эфирланиш жараёни кузатилади.

Тадқиқотларимизни лаборатория шароитида моделлаштирилган оксидлаш колоннасида олиб бордик. Хомашё сифатида «Урганч ёғ-мой» акциядорлик жамиятидан чиққан госсипол смоласидан фойдаландик. Тадқиқотлар учун танланган госсипол смоласи намуналарининг 80 °С ҳароратдаги шартли қовушқоқлиги 60 - 65 МПа·с ни ташкил этди.


Изланишларда оксидлашнинг технологик параметрларини тўғри танлаш зарур, акс ҳолда олинган маҳсулот турғунлиги камайишига олиб келади. Тадқиқотларда мастиканинг фазовий ўтиш чегараси госсипол смоласи таркибидаги компонентлар табиатига, оксидланиш ҳароратига ва ҳаво кислородининг берилиш тезлиги ҳамда вақтига ҳам боғлиқлиги аниқланди. Шу учта кўрсаткични ўзгартирган ҳолда турли физик-механик хоссали мастикасимон маҳсулотлар олишга эришдик.

Термооксидлашда турли шароитда юмшаш ҳарорати 50 °Сдан юқори бўлган мастикалар олишда оксидлаш жараёнини 220-250 °С ҳароратда олиб бориш мақсадга мувофиқлиги аниқланди. Бунда госсипол смоласи таркибидаги смоласимон комплексларнинг барқарорлашуви таъминланади. Дисперс муҳитга чиққан ингредентлар кислород билан осон таъсирлашади, мастика барқарорлиги ошади, эркин радикаллар дисперс муҳитда кислород билан молекуляр бирикмаларга айланади. Оксидлаш ҳарорати 250 °С дан пасайса мастика хоссаларига салбий таъсир қилиши аниқланди, яъни бундан синтез қилинган мастикаларнинг чўзилувчанлиги ортди, нисбатан юқори пенетрацияга эга бўлди. Тадқиқот натижалари қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

Аммо 250 °С ҳароратда реакцион аппаратнинг ишлаб чиқариш қуввати кескин камаяди. Натижаларга кўра паст ҳароратларда оксидлаш жараёнини алоҳида мажбурий ҳоллардагина қўллаш мақсадга мувофиқдир. Мастика олиш жараёнида оксидланиш вақтининг пенетрацияга, чўзилувчанликка ва эриш ҳароратларига боғлиқлиги қуйидаги расмларда (1, 2, 3) келтирилган.

Госсипол смоласини ҳаво кислородида оксидлаш орқали мастика олиш бўйича тадқиқот натижалари

Оксидлаш Шароити	Оксидлаш вақти, Дақиқа	25 °С да игна ботиш чуқурлиги, 0,1мм	Юмшаш ҳарорати, °С	25 °С да чўзилувчанлиги, мм	Чакнаш ҳарорати, °С
Ҳарорат 220 °С, Ҳаво сарфи, 100м ³ /соат	30	160	30	75	305
	60	130	33	60	310
	90	108	35	50	312
	120	90	40	44	315
	150	75	47	38	315
	180	45-62	55-58	39	315
Ҳарорат 230 °С, Ҳаво сарфи, 100м ³ /соат	30	140	35	65	308
	60	95	42	43	312
	90	62	50	25	316
	120	38	58	10	315
	150	22-28	72-77	3	318
	30	135	42	50	310
Ҳарорат 250 °С, Ҳаво сарфи, 100м ³ /соат	60	70	76	25	312
	90	30	72	10	317
	120	8,0-15	95-100	1	320




1-расм. Турли ҳароратларда оксидланиш вақтининг пенетрацияга боғлиқлиги:

I- Янгийўл ёғ-мой АЖ госсипол смоласи, II- Каттақўрғон ёғ-мой АЖ госсипол смоласи, III- Урганч ёғ-мой АЖ госсипол смоласи.

Ҳароратнинг юқори бўлиши биринчи навбатда деструкцияланиш реакцияси тезлигини оширади. Ўз навбатида дисперс системасидаги фазалараро мувозанат мавжуд комплексларни диссоцияланиш томонига силжишига олиб келади. Бу жараён молекуляр бирикмалардаги радикалларнинг оксидланиш трансформациясини оширади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, оксидлаш жараёни амалга оширишдан аввал 110- 120 °С да госсипол смоласи сувсизлантирилади.



2-расм. Оксидланиш вақтининг мастика чўзилувчанлигига боғлиқлиги: 1- Янгийўл ёғ-мой АЖ госсипол смоласи; Каттақўрғон ёғ-мой АЖ госсипол смоласи; Урганч ёғ-мой АЖ госсипол смоласи

Тадқиқот натижалари келтирилган жадвалдан ва расмлардан кўришиб турибдики, госсипол смоласини термик оксидлаш ҳароратини ва вақтини ўзгартирган ҳолда турли марказдаги мастикалар олиш имконияти мавжуд. Оксидланиш ҳароратни 220 °С да сақлаб, ҳаво сарфи, 100 м³/соатни ташкил қилган ҳолда оксидлаш вақти 180 дақиқани ташкил этса, 25 °С да игна ботиш чуқурлиги (0,1мм), 45-62 мм ни, юмшаш ҳарорати, 55-58 °С ни, 25 °С да чўзилувчанлик 39 мм, чакнаш ҳарорати 315 °С ни ташкил этади.


Тадқиқотларимиз кўрсатишича, оксидланиш ҳароратни 230 °С да сақлаб, ҳаво сарфи 100 м³/соатни ташкил қилган ҳолда оксидлаш вақти, 150 дақиқани ташкил этса, 25 °С да игна ботиш чуқурлиги (0,1мм), 22-28 мм ни, юмшаш ҳарорати 72-77 °С ни, 25 °С да чўзилувчанлик 3 мм, чакнаш ҳарорати 318 °С ни ташкил этади. Агарда оксидланиш ҳарорати 250 °С бўлганда 25 °С даги игна ботиш чуқурлиги (0,1мм), 8,0-15 мм ни, юмшаш ҳарорати, 95-100 °С ни, 25 °С да чўзилувчанлик 1 мм, чакнаш ҳарорати, 320 °С ни ташкил этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳаво кислородида госсипол смоласини оксидлаб олинган турли марказдаги мастикаларнинг чакнаш ҳарорати нефть асосидаги мастикаларникидан анча юқоридир. Бу кўрсаткич 315-320 °С ҳарорат оралиғида бўлиб, ишлатилишидаги ёнғин ҳафсизлигини таъминлашга асос бўлади.

Тадқиқотларимизнинг кейинги босқичларини оксидлаш жараёнини катализаторлар ёрдамида интенсивлашга қаратдик. Бу мақсадда нефть битумининг оксидлашда кенг ишлатиладиган FeO катализатор сифатида ишлатилди. Темир (II) оксиди иштирокидаги госсипол смоласининг ҳаво кислороди ёрдамида оксидлаш орқали мастика олиш бўйича тадқиқот натижалари 2- жадвалда келтирилган.


Госсипол смоласини FeO иштирокида каталитик оксидаб мастика синтезининг натижалари

Тадқиқод муддатлари, соат	100 °C даги шартли ковушқоқлиги, Па·с	Ҳаво сарфи, м ³ /соат	Оксидлаш ҳарорати, °C	Юмшаш ҳарорати, °C
3	38,8	Катализаторсиз		
		110	270	55
2	56,7	Катализаторли		
		105	260	56,1
2	99,4	90	270	56,2



3-расм. Турли ҳароратларда оксидланиш вақтининг мастика юмшаш ҳароратига боғлиқлиги: Янгийўл ёғ-мой АЖ госсипол смоласи, II- Каттакўрғон ёғ-мой АЖ госсипол смоласи, III-Урганч ёғ-мой АЖ госсипол смоласи

ланиш реакциясини тезлатади, бу ўз навбатида жараён тезлигининг ошишига олиб келади, яъни радикаллар рекомбинацияланади ва уларнинг реакция қобилияти ошади. Шунингдек FeO катализатори қуйидаги таъсир механизмига эга. Айрим радикаллар молекуляр бирикмаларга айланади, яъни занжир узилади.



Мастикалар олишда қўшимча ингредиентлардан фойдаланилмади.

Тадқиқотлар натижаларидан кўриниб турибдики, катализатор иштирокида ҳаво сарфи 110 м³/соат дан 90 м³/соат гача камайган. Эътиборли томони шундаки, катализатор миқдори ва оксидланиш вақти каталитик эффектга таъсир қилади. Темир оксиди миқдори ошиши оксидланиш вақтининг камайишига олиб келади. Бу ўз навбатида энергетик харажатларни камайтиради. Бизнингча, катализатор оралиқ маҳсулотларнинг парча-

Госсипол смолосани ҳаво кислороди ёрдамида оксидлаш ўрганилди, оксидлашда катализатор FeO нинг 0,1% концентрацияси оптимал эканлиги аниқланди. Жараён давомида госсипол смоласини ташкил этувчи молекуляр бирикмалар радикаларининг оксидланиш трансформацияси содир бўлади. Турли маркали мастикалар олишда ҳарорат ва оксидлаш вақти бош омил ҳисобланади. Шу билан бирга ҳароратни ўзгартириш орқали ҳам олинаётган мастикаларнинг физик механик хоссаларига ўзгартириш киритиш мумкин.


3-жадвал

FeO миқдорининг госсипол смоласинининг оксидланиш вақтига ва ҳаво сарфига таъсири

FeO масса улуши, мас., %	Оксидланиш вақти, дақиқа	Ҳаво сарфи, м ³ /соат
0	180	110
0,002	150	108
0,0025	140	105
0,05	130	98
0,1	120	90
0,2	120	90

Диссертациянинг кейинги учинчи боби «**Ноорганик ресурслар ва мастикалар асосида ўрама материаллар олишнинг илмий асослари**» деб номланади. Маълумки, ўрама изоляцион материаллар эксплуатация даврида кўплаб иқлимий омиллар, ташқи механик юкламалар ва ультрабинафша нурлар таъсирига учрайди. Улар вақт ўтишиши билан мўрт бўлиб қолади, мустаҳкамлиги пасаяди, эластиклиги йўқолиб боради.


Ушбу бобда юқоридаги камчиликлардан холи бўлган ўрама материаллар олиш борасидаги тадқиқотлар натижалари келтирилган. Дастлабки тадқиқотларимизни асосий параметрлардан бири бўлган сув шимувчанликни камайтириш борасидаги тадқиқотларга қаратдик. Унинг



4-расм. Ўрама материал когезион мустаҳкамлигига пластификаторнинг таъсири: I- иккиламчи полиэтилен; II- соапсток.


учун олдиндан тайёрланган талькли (5, 10, 15 % ли) мастика массасига 220 °C ҳароратда 1-5 % оралиғидаги резина катрони кўшиб, ҳосил бўлган мастикаларнинг сув шимувчанликлари аниқланди. Тадқиқотлар кўрсатишича, 5% тальк тутган массага 5% резина катрони кўшиб тайёрланган мастиканинг сув шимувчанлиги кескин 0,1% гача камайди. Бу кўрсаткич мавжуд аналоглари (уларда 1,0 гача) билан солиштирганда 10 мартадан ортиқроқ яхши натижа берганининг амалий исботланди.

Ўрама изоляцион материални мустаҳкамлигини ошириш мақсадида катор тадқиқотлар ўтказилди. Бунда материалнинг чўзилишдаги узилишига CaO концентрацияси ўзгаришининг таъсири ўрганилди. Олинган натижаларга кўра таркибга 5 % CaO қўшилганда чўзилишга мустаҳкамлиги 320 Н ташкил қилиб ГОСТ томондан қўйилган талабларга тўла жавоб беради. Ундан паст ёки юқори нисбатларда белгиланган стандарт талаблардан четга чиқишлар содир бўлди. Натижалар қуйидаги 4-5 расмларда келтирилди.



5-расм. Мастиканинг чўзилишдаги узилишига кальций оксидининг таъсири: I- Янгийўл ёғ-мой АЖ госсипол смоласи асосидаги; мастика, II- Каттақўрғон ёғ-мой АЖ госсипол смоласи асосидаги мастика, III- Урганч ёғ-мой АЖ госсипол смоласи асосидаги мастика

Ҳар қандай ўрама материалларда мўртлик ҳарорати энг асосий омиллардан ҳисобланади. Маълумки, ушбу кўрсаткич 15 °С дан ошганда материал яроқсиз ҳисобланади. Тадқиқотларимизнинг кейинги серияларини



6-расм. Мўртлик кўрсаткичининг ўзгаришини солиштирма ўрганиш натижалари: 1-рубероид, 2- синтетик толали ўрама материал, 3- шиша толали композиция, 4-асбест толали ўрама материал ва 5-базальт толали ўрама материал.

яратилган композициянинг йиллар давомида мўртлик кўрсаткичининг ўзгаришини солиштирма ўрганишдан бошладик. Чунки олинган композициянинг иссиқлик таъсирида эскириши хизмат муддатларига бевосита боғлиқдир.


Ушбу катталикларни солиштирма ўрганишда турли ўрама материаллар солиштирма равишда синалди. Натижалар қуйидаги 6-расмда келтирилган. Солиштирма ўрганиш натижаларига кўра янги композициянинг мўртлик хоссалари бошқа аналогларидан устунлиги ва халқаро стандартларга жавоб бериши илмий ва амалий асосланди.

Ўрама материалларга мастика матричаси ва базальт толалар (узунлиги 15-20 мм) борлиги эластиклигини таъминлаб беради. Бу толаларнинг тартибсиз жойлашуви бутун материал бўйлаб текис физик-кимёвий кўрсаткичларини таъминлаб беради. Композицияларнинг ГОСТ 2678 талабларида келтирилган асосий катталиклари рубероид билан солиштирма холда кейинги тадқиқотларда аниқланди. Тадқиқотлар натижалари 4- жадвалда келтирилди.

4-жадвал

Рубероид ва госсипол смоласи асосидаги мастикали ўрама материалларнинг солиштирма хоссалари

Материал	Шартли мустаҳкамлик	Чўзилишдаги узилиш кучи, Н	Брусдаги эгилювчанлик R=20 мм, °С	Бетон билан бирикшидаги мустаҳкамлик МПа, кам эмас	Температура диапазонида эгилювчанлик	24 соат ичида сув шимувчанлик, %	Сув ўтказувчанлик 72соат давомида 0,001 мПа да	Шартли хизмат қилиш давомийлиги, йил
Рубероид	5,6	220 – 340	5	0,45	15,0	5,0	2,0	5
Госизол	7,8	600-650	0	0,61	-55 +100	2,0	ютилмайди	30



7-расм. ИҚ-спектрлар: 1- базальт толали; 2-полиэтилен + базальт толали.

полиэтилен - 5,0; тальк-5,0.

7-расмда ўрама материалнинг ИҚ-спектр текширув натижалари келтирилган. Базальт толали - полиэтилен намуналари учун $-CH_2$ гуруҳларининг тебранишларининг ассимиляция диапазонининг максимал интенсивлиги 2922 см^{-1} ва 2852 см^{-1} га нисбатан 2 барабар кўп. Бу намуналарда ҳам иккиламчи полиэтиленнинг мавжудлиги билан изоҳланади.

Шу билан бирга, барча намуналарнинг ИҚ-спектрларида ушбу максимумларнинг силжиши кузатилмайди. Бу шуни англатадики, полиэтилен плёнкаларининг базальт тола юзасининг фаол марказлари билан ўзаро таъсири $-C - C - C -$ ва $-C - H -$ бирикмаларнинг мустаҳкамлигига таъсир қилмайди.

Юқорида келтирилган тадқиқотлар натижасига асосланиб оптимал таркиб яратилди. Унга кўра боғловчи сифатида госсипол смоласи асосидаги мастика ва кўшимча компонентларининг нисбати куйидагича: мас. %: госсипол смоласи асосидаги мастика - 77,0; CaO-5,0; резина катрони - 5,0; базальт толаси- 3,0; иккиламчи

Аммо бу алоқаларнинг деформацияси, яъни, боғланишлар орасидаги валентлик бурчакларининг ўзгариши юз беради. Тебранишлари туфайли юзага келган 1466 см^{-1} ва 1469 см^{-1} даражадаги барча максимал намуналарининг ИҚ да полиэтилен спектрлари мавжудлигини кўрсатди. Максимум баландлиги 1375 см^{-1} да $-\text{CH}_2$ гуруҳларининг тебранишлари юзага келади. Базальт толалари, кенг тарқалган шиша толалардан фарқли ўлароқ, юқори кристалланиш ва юқори иссиқлик ва кимёвий қаршилиқка эга.

Диссертациянинг «Маҳаллий ноорганик ресурслар ва мастика асосидаги рақобатбардош ўрама материалларнинг физик-механик кўрсаткичлари» деб номланган тўртинчи бобида дастлаб госсипол смоласи асосидаги мастиканинг физик-механик хоссаларини ўрганишга бағишланган. Кейинги тадқиқотларимизни турли манбалардан (Каттақўрғон-1 намуна, Янгийўл-2 намуна ва Урганч ёғ-мой комбинатлари 3-намуна) госсипол смоласи асосидаги мастикалардан тайёрланган ўрама изоляцион материалларнинг физик-механик кўрсаткичларини синашга бағишладик. Госсипол смоласи асосидаги мастикадан тайёрланган ўрама материалнинг физик-механик хоссаларини ўрганиш натижалари қуйидаги 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Ноорганик маҳаллий ресурслар ва госсипол смоласи асосидаги мастикадан тайёрланган ўрама материалнинг физик-механик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Намуна № 1	Намуна № 2	Намуна № 3	Аналог РКП 350
Чўзилишдаги узилиш кучи, н (кгс)	350 (35)	374 (37)	556 (57)	240 (24)
Материалнинг тўла массаси, г/м ²	1500	1500	1500	1000
Сув ютувчанлиги, %, қўпмас	1,2	1,25	1,2	20
Сув ўтказувчанлиги, 72 соатда, г	0.001	0.001	0.001	0.2
Эгилувчанлиги, °С	- 15	-15	-15	-10
Иссиққа чидамлилиги, 2соатда, тик ҳолатда	95,0	97,0	94	70
Хизмат муддати, йил	20	20	20	4-5
Ўз ўзидан аланганланиши, °С	315	315	315	220
Хавфсизлиги, юк тушунчаси	ҳавфсиз	ҳавфсиз	ҳавфсиз	ҳавфсиз


Ушбу мастиканинг ГОСТ талабларида келтирилган барча кўрсаткичлари аниқланди. Натижалар 6-жадвалда келтирилган.

Иссиқдан эскириш (ишдан чиқиш) ўрганилганда таклиф қилинаётган ўрама материалнинг 80 °С ҳароратга чидаши (ташқи кўринишида нуқсонлар пайдо бўлмаслиги) 60 соатни ташкил этди. Олинган натижалар ўрама материалнинг 20 йилдан ортиқ муддатга хизмат қилишини белгилайди. Маълумки унинг мавжуд аналоглари кўпи билан 4-5 йилга чидам беради, холос.

Мастиканинг физик-механик хоссалари

№	Кўрсаткичларнинг номи	БМГ-Х	БМГ-Г	Антикоррозион мастика
1	Ташқи кўриниши	бир турдаги смоласимон масса		
2	Ранги	тўқ жигар рангдан қорагача		
3	Ҳиди	ўзига хос		
4	Курук модданинг, ГС мастканинг миқдори, %	50,0	60,0	77,0-87,0
5	Ўт олиш ҳарорати, °С	180	315	298-352
6	Силжишда металл билан илашиш мустаҳкамлиги (адгезия), МРа, кам эмас	3,0	2,5	4,0
7	Зарбга мустаҳкамлиги, Н/см, кам эмас	2,0	1,5	1,9
8	Эгилиши, мм, кўп эмас	6,5	6,0	7,0
9	Суртишда ташқи муҳит ҳароратини интервали, °С	-10 дан+45 гача	0 дан +45 гача	-20 дан +45 гача
10	Кристалланиш ҳарорати, °С	минус 20	минус 10	минус 30
11	Курук қолдиқнинг юмшаш ҳарорати, °С, кам эмас	47	90	50
12	Мўртлик ҳарорати, °С, кам эмас	минус 25	минус 15	минус 15
13	Толуол ёки хлороформда эрувчанлиги, %, кам эмас	99,8	99,7	99,5
14	Буркалганлиги, кг/м ² , 1 мм қатлам суртишда, кўп эмас	1,0-1,2	1,3-1,4	1,0-1,1
15	Сув шимиши, %, кўп эмас	0,1	0,1	0,1
16	0,001 МРа (0,01(кгк/см ²)) босимда 72 с давомиди сув ўтказмаслиги	-	-	-
17	Сув томиш ҳарорати, °С	40	40	минус 5
18	Брусда эгилувчанлиги, г=5 мм, минус 5 °С ҳароратда	ёриқлар йўқ	ёриқлар йўқ	ёриқлар йўқ
19	Кўлланишининг иқлимий зонаси	чекланмаган	чекланмаган	чекланмаган
20	Чўзилувчанлик 25 °С, см, дан кам эмас	30	30	30


Юқоридагиларга асосланиб хулоса қилиш мумкинки, таклиф қилинаётган физик-кимёвий хоссалари яхшиланган, госсипол смоласи асосидаги мастикадан тайёрланган ўрама материаллар ўз аналогларидан барча кўрсаткичлар бўйича устунлиги кўринади. Агар уни талаблар даражасида ишлатилса, камида 20 йил хизмат қилади.



8-расм. Материалларнинг сув шимувчанлиги:

I- Намуна №1; II- Намуна №2;
III- Намуна №3; IV-Аналог РКП 350

Олиб борилган лаборатория тадқиқотлари ва лаборатория модел курилмасида ўтказилган тажрибалар асосида госсипол смоласи асосидаги мастикадан ўрама материаллар олиш жараёниниң принципиал технологик схемаси яратилди (9-расм) ва моддий баланси ҳисобланди.



9-расм. Маҳаллий хом ашёлар ва саноат чиқиндилари асосида рақобатбардош ўрама материаллар олиш жараёниниң принципиал технологик схемаси:

1-госсипол смоласи учун сиғим; 2- винтеллар; 3-насослар; 4- оксидатор; 5- газларни чиқарувчи мўри; 6- мастикани хусусиятларини ошириш учун реактор; 7- CaO учун бункер; 8- резина катрони учун сиғим; 9- тальк учун сиғим; 10- иккиламчи полиэтилен учун сиғим; 11- мастика сочиб берувчи курилма; 12 – полэтилен учун роликлар; 13- базальт пахтаси учун ролик; 14 - текисловчи роликлар; 15- компрессор; 16- ҳаво оқимини узатувчи ускуна.

ХУЛОСАЛАР

1. Маҳаллий ресурслар - кальций оксиди, тальк, базальт толалари, резина катрони, иккиламчи полиэтилен ва ёғ-мой комбинатлари чиқиндиси - госсипол смоласи ўрама материаллар олиш технологияси ишлаб чиқилди ҳамда физик-механик хоссалари яхшиланган, ёнғинга бардошли, эластик ўрама материаллар олиш учун тавсия этилди.

2. Ўрама материаллар олишда яроқли мастикалар олиш учун мақбул шароитлар аниқланди: оксидлаш ҳарорати 220-250 °С, реакция вақти 120, 150, 180 дақиқа ва ҳаво сарфи 100 м³/соат. Олинган мастикаларнинг физик-механик хоссалари: 25°С да игна ботиш чуқурлиги мос равишда (0,1мм) 45-62, 22-28, 8-15 ни, юмшаш ҳарорати 55-58, 72-77, 95-100°С ни ва чўзилувчанликлари 39, 3, 1 мм, чакнаш ҳароратлари 315-320 °С бўлиши кўрсатиб берилди.

3. Маҳаллий хомашёлар асосида ўрама материалнинг алангаланиш ҳарорати 320°С, силжишда металл билан илашиш мустаҳкамлиги 2,5 МПа, зарбга мустаҳкамлиги 1,5 N/cm, эгилиши 6,0 mm, ишлатишдаги ташқи муҳит ҳароратини интервали 0°С дан +45°С гача бўлган, халқаро стандарт талабларига мос ўрама изоляцион материал олинди.

4. Ишлаб чиқилган мастикалардан олинган ўрама изоляцион материалларнинг иссиқликка чидамлиги юқори, сув ютувчанлиги 1,5-2,0%, турли ҳароратларда чизикли кенгайиш коэффициентининг кичиклиги, эгилувчанлигининг юқори бўлиши натижасида юқори самарали изоляцион ўрама материаллар олиш учун тавсия этилди.

5. Ўрама материаллар олишга яроқли мастика олишнинг техник шартлари ишлаб чиқилди ва ЎзСТАНДАРТ агентлигида рўйхатдан ўтказилди ҳамда халқаро ISO 9001:2015 сертификати олинди. Лаборатория модел қурилмасида ўтказилган тажриба синовлари асосида ўрама материаллар олиш жараёнининг принципиал технологик схемаси таклиф этилди ва «TASH IZOL» МЧЖ корхонасининг тажриба-саноат қурилмасида синов маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.78.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТЕРМЕЗСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АЙТОВА ШАХЛО КОМИЛОВНА

**ТЕХНОЛОГИЯ ПОЛУЧЕНИЯ КОНКУРЕНТОСПОСОБНЫХ
РУЛОННЫХ МАТЕРИАЛОВ НА ОСНОВЕ МЕСТНОГО СЫРЬЯ И
ПРОМЫШЛЕННЫХ ОТХОДОВ**

02.00.13 – Технология неорганических веществ и материалов на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Термез – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.1.PhD/T559

Диссертация выполнена в Ургенчском государственном университете
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета www.terdu.uz и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель: **Жуманиязов Махсуд Жаббиевич**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Султонов Баходир Элбекович**
доктор технических наук

Адинаев Хидир Абдуллаевич
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: **Навоийский государственный горный институт**

Защита диссертации состоится «11» 09 2020 г. в «19⁰⁰» часов на заседании ученого совета PhD.03/30.12.2020.T.78.01 при Термезском государственном университете по адресу: 190111, Сурхандарьинская область, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Термезском государственном университете за № 19, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (190111, Сурхандарьинская область, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан «4» 09 2020 года.

(протокол рассылки № 4 от «4» 09 2020 г.).



И.А.Умбаров
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней, д.т.н., доц.

Ш.А.Касимов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.ф.х.н.

Ф.Б. Эшкурбанов
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.х.н., доц.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мировой строительной промышленности широко используются рулонные битумные изоляционные материалы (рубероид, толь, пергамин, изол и другие) на основе картонной бумаги. Из перечисленных – рубероид является широко используемым универсальным материалом, он составляет более 70% от используемых по всему миру рулонных изоляционных материалов. Рубероид используется во всех типах гидроизоляционных работ, в частности, при изоляции фундамента, кровли, при строительстве подвалов и бассейнов. Исходя из этого, создание технологий получения и внедрение в практику нетрадиционных рулонных изолирующих материалов с улучшенными физико-химическими и технологическими свойствами на основе местных сырьевых ресурсов и из промышленных отходов, на сегодняшний день является одной из важных и актуальных задач.

В мире уделяется внимание к научно-исследовательским работам, направленные на изучение физико-химических свойств нетрадиционного сырья для производства рулонных материалов и улучшению физико-механических свойств мастики под влиянием местных неорганических сырьевых ресурсов. Повышение вязкости, пластичности и прочности мастики при получении рулонных материалов, также, использование местного сырья, на основе таких неорганических веществ, как оксиды металлов, извести, талька и базальта, для обеспечения долгого срока службы изоляционного материала, является весьма актуальным.

В нашей стране, в химической промышленности достигнуты определенные результаты в направлении производства материалов новых типов, в частности, проведены широкомасштабные меры в области обеспечения местного рынка импортозамещающими химическими реагентами. Следует отметить, что в нашей Республике уделяется большое внимание к научно обоснованной системе реализации производственных объектов внедрением инновационных технологий и проведению мер по обеспечению охраны окружающей среды. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годы поставлены важные задачи по «... высокотехнологичных переработок в отраслях промышленности, в первую очередь производство продукции с добавочной стоимостью на основе переработки местных сырьевых ресурсов, изменение технологий и продукцию для обеспечения высокого качества...»². В этом направлении, в нашей Республике имеет важное значение создание рулонных изоляционных материалов, увеличение их объемов и расширение ассортиментов, снижение себестоимости и создание технологий получения рулонных материалов на основе местных ресурсов и промышленных отходов, на основе мастики госсипольной смолы из отходов масло-жировых

²Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годы»

предприятий, резиновой смолы, талька, базальтового волокна и из других сырьевых ресурсов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан за № УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и в Постановлениях Президента Республики Узбекистан за № ПП-3983 от 25 октября 2019 года «О мерах по совершенствованию химической промышленности в Республике Узбекистан», №.ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности» а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики VII «Химическая технология и нанотехнология».

Степень изученности проблемы. По всему миру для развития области получения рулонных материалов имеет важное значение результаты научных исследований В.А.Воробевой, Б.С. Горшковой, В.М. Ильинского, Н.В. Михайловой, И.А. Рыбьева, И.М. Руденского, П.С. Сахаровой, М.С. Туполева, Н.В. Трубниковой, Э.И. Кричевского, И.В. Провинтеевой, С.К. Носковой, И.А. Никифоровой, О.Б. Розена, Д.Д. Сурмели, А.Г. Зайцевой, М.И. Поваляевой, А.М. Ворониной, В.В. Ивановой и других.

В Узбекистане группа ученых – К.С. Негматова, С.А. Бердиев, А.А. Кадилов, Н.Т. Шарипов, А.С.Махмудов, М.Ж. Жуманиязов, Ш.Р. Курамбаев, и Х.И.Акбаров создали научную основу многофункциональных композиционных материалов на основе госсипольной смолы. Им проведены научные исследования по созданию технологии получения полимерообразных битум-резиновых материалов нового поколения.

Следует отметить, что вышеперечисленными учеными не были получены и по сей день не были внедрены в широкое производство импортозамещающих, конкурентоспособных и высокоэффективных, с большим сроком службы рулонных материалов на основе госсипольной смолы – масло-жировых отходов и местных ресурсов.

Связь диссертационного исследования с тематическим планом научно-исследовательских работ. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Ургенчского Государственного университета в рамках инновационного проекта ИОТ-2014-7-20 «Внедрение в практику технологии получения рулонных изоляционных материалов с усовершенствованными физическими, химическими и технологическими параметрами (2014-2015 год).

Целью исследования является разработка технологии импортозамещающего и конкурентоспособного рулонного материала на основе местных неорганических ресурсов и масло-жировых отходов.

Задачи исследования:

с целью создания научных основ получения мастики, пригодной для получения рулонных материалов на основе госсипольной смолы из масло-жировых комбинатов нашей Республики, изучить влияние катализатора FeO на ускорение окисления госсипольной смолы кислородом воздуха;

